



«Музаффар шох»

537-хижрий йил Рамазон ойининг 23-санасида (1143 йил 11 апреля) салжукийлар саркардаси, Мосул ва Халаб хукмдори, зангийлар сулоласининг асосчиси, салибчиларнинг мурасиш душмани Абу Музаффар Имодаддин Зангий куч-кудрати ва олиб бўлмаслиги билан машхур бўлган Ашиб калъасини забт этди. Шу Рамазон ойида калъани камал қилиш билан бир вақтда Халаб амири Сайфиддин Сувар, туркманлар отряди билан Антиохия вилоятига йўл олди. Ал-Жиср яқинида мусулмонлар салибчиларнинг катта оломони ва уларнинг чодирларини пайкадилар. Туркманлар у ердаги Оронтес дарёсини кечиб ўтиб, душманни йўқ қилдилар, Халабга катта ўлжалар ва асирлар билан қайтдилар.

Салибчилар биринчи салиб юриши даврида Ислом ерларини кўлга киритгач, мусулмонлар боскинчиларга карши мукаддас урушни тўхтатмадилар. 12-асрнинг биринчи ярмида насронийларнинг асосий ракиби, Мосул амири Имодаддин Зангий бўлган. Аввалига у Салжукий туркларга карам бўлган, аммо султонликдаги нотинчлик туфайли Триполи графи ва Куддус шохини маглуб этиб, мустакил ҳаракат кила бошлаган. Зангийнинг довяраклиги ва ҳарбий истеъдоди уни салжукий Султон Махмуд ибн Молик шохнинг назарига тушиб, уни аввал Багдод ҳукмдори (1126), сўнгра Мосул ҳукмдори (1127) этиб тайинлаган. Салибчиларнинг доимий босими остида Халаб ичкарасида ҳокимият учун кураш тўхтамади, натижада анархия юзага келди. Тартибни тиклаш учун Зангий 1128 йилда ўз қўшинлари билан Халабга кириб, ихтилофларга чек қўйди. 1130 йилда Антиохиялик Боэмонд II ни маглубиятга учратиб, Асариб калъасини кўлга олган саркарда Антиохияга қўшин жўнатган ва факат Бодуэн II нинг келиши унга галаба меваларидан баҳраманд бўлишга тўсқинлик қилган. 30 - йилларда Зангий ўз тасарруфидаги ҳудудлар устидан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлади ва шу билан бирга салибчиларга карши Шомда кураш олиб борди. Курдистон урушларидан сўнг Зангий 1144 йилда Евфратдан наридаги энг йирик насронийлар кўргони Эдессани эгаллади. Тарихчиларнинг фикрича, Эдессанинг кулаши мусулмонларнинг биринчи йирик галабаси бўлиб, у ислом ерларини салибчилардан озод қилишнинг бошланишини белгилаб берган. Эдесса кўлга олиниши бутун шарк насронийлигига берилган жуда каттик зарба бўлди: Эдесса князлиги мусулмонлар юришлари тўлқинларни қайтарадиган форпост эди ва Эдесса князлиги бутун насроний дунёни химоя кўргони эди. Натижада Везелда (Бургундия, Франция) бўлиб ўтган Давлат мажлисида иккинчи марта салиб юриши эълон қилинди ва у Худога шукрки, муваффақиятсизлик билан якунланди. Нафакат мусулмонлар заифлашиб қолмагани, аксинча, насронийлар устидан бирин-кетин галабалар қозониб, бутун салиб қўшинларини вайрон қилган ҳолда ўз қучига каттик ишонч қозонган, уларнинг гайрати ошган, ва улар Кичик Осиёда хорижий боскинчилар йўқ қилиш учун умид пайдо бўлди. Бунда салибчиларга карши самарали кураш олиб борган биринчи мусулмон ҳукмдори бўлган Зангий муҳим рол ўйнаган. Салибчиларга карши курашдаги хизматлари учун "Зайн Ал-Ислом" ("Исломнинг гўзаллиги"), "Ал-Малик ал-Мансур" ("Музаффарр Шох") ва "Назир амир ал-мўминин" ("Мўминлар ҳукмдорининг таянчи") унвонларини олган. Сўнгра унинг ишини ўгли Нуриддин Махмуд Зангий, ундан кейин эса -Салоҳиддин Ал-Аюбий давом эттирдилар.